

«МУЛЛА БОЗОР ОХУНД — НАМАНГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БУЮК НАМОЯНДАСИ»

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими. Р Пўлатова

Кириш

Ўзбекистон замини азалдан буюк алломалар, мутафаккирлар ва маънавий устозлар етишиб чиққан муқаддас масканлардан бири ҳисобланади. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида тарих, илм-маърифат ва маънавият билан боғлиқ бетакрор обидалар мавжуд бўлиб, улар халқимизнинг бой маданий меросини ўзида мужассам этади. Ана шундай тарихий қадамжолардан бири Наманган шаҳрида жойлашган Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуасидир. Мазкур мажмуа XVII асрда яшаб ижод қилган буюк мутасаввиф, олим, шоир ва валий Хожа Убайдуллоҳ ибн Султон Муҳаммад Бобур Қорахон — Мулла Бозор Охунд номи билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз даврининг етук уламоларидан бири бўлиб, диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган, маънавий мероси билан халқ қалбида ўчмас из қолдирган. Унинг илм-маърифат йўлидаги хизматлари, тасаввуф таълимотидаги ўрни ва шогирдлари орасидаги нуфузи бугунги кунга қадар юксак қадрланади. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға даҳаси, Курашхона мавзеида, Намангансой соҳилида жойлашган Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуаси нафақат тарихий обида, балки халқимизнинг маънавий хотираси ва зиёрат масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада Мулла Бозор Охунднинг ҳаёт йўли, илмий-маърифий фаолияти, мақбара ва мажмуанинг барпо этилиш тарихи ҳамда унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға даҳаси, Курашхона мавзеида, Намангансой соҳилида жойлашган. Мажмуа XVII асрнинг йирик мутасаввифларидан бири, олим Хожа Убайдуллоҳ ибн Султон Муҳаммад Бобур Қорахон Мулла Бозор Охунд номи ва яшаган жойи билан боғлиқ.



Наманган азиз-авлиёларининг сўнгги вакилларида бири кароматлари ва мўжизалари билан машҳур бўлган авлиёнинг ҳақиқий исми хожи Убайдуллох бўлиб, Пошшохожа домла Бозор Охунд номи билан машҳур эди. Отаси аввал Туркистонда кейин Қўқон яқинида яшаган ва кейинчалик Наманганга кўчиб келган. Уйлангандан сўнг икки нафар ўғил фарзанд кўрди.


Улар Мулла Бозор Охунд ва Хазрат Олимхўжа эдилар. Шайх оталари вафотидан сўнг, унинг ўрнини Мулла Бозор Охунд эгаллади. Мулла Бозор Охунд фикҳ, ҳадис, фароиз, жуғрофия, илми ҳисоб, тарих, адабиёт, тасаввуф ва бошқа илмларни яхши эгаллаган йирик олим, шоир, шайх ва валий эди.

У бошланғич таълимни уйида, кейинчалик олий маълумотни эса Намангандаги мадрасалардан бирида олди. Узоқ йиллар ўша пайтда Туркистоннинг илму фан маркази бўлмиш Бухорода таҳсили илм қилди. Талабалик йилларида ошпазлик билан тирикчилик ўтказди. Ўша ерда таниқли олим, донишманд Мирзо Баҳодир Бухорийдан таълим олди. Устозини пир тутди, узоқ вақт мобайнида унинг хизматида юрди. Мирзо Баҳодирдан иршод хатини, яъни пирнинг ёрлигини олгач, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сайёҳат қилди. Қошғарнинг Хўтан, Ёрқанд шаҳарларида бўлди, у ерда Ҳидоятulloҳ Офoқ Хожа билан яқиндан танишди. Наманганга қайтгач, қолган умрини имомлик ва мударрисликка бағишлади. У

туркий, арабий ва форсийда ижод қилиб, асарлар ёзиб қолдирди. Наманганлик буюк оташнафас шоир Раҳимбобо Машрабнинг биринчи устози эди.

Мулла Бозор Охунд дунёдан уйланмай ўтди. 1668 йили Наманганда вафот этди. Қабри Курашхонадаги Мулла Бозор Охунд мақбарасида жойлашган.

Ҳозирги мақбара ўрнида одмигина оддий қилиб қурилган мақбара ва атрофида пишиқ ғиштдан тикланган мадраса бўлган эди. Афсуски 30-йилларда мадраса ва мақбара бузиб юборилган. Мамлакат истиқлолга



**Мулла Бозор Охунд
мақбарасининг 1930
йиллардаги
кўриниши (архив
сурати)**

эришиши арафасида, яъни 1990 йилда маҳалла аҳли ҳозирги масжид қурилишини бошлаб юборишди. Бу хайрли ишга Арабистонда яшаётган Муҳаммад Саййид Намангоний ҳам ўзининг кўмагини берди. Бироқ иқтисодий танглик туфайли бу қурилиш ниҳоясига етмай қолди. 1993 йилнинг сентябрида Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари бу тарихий жойда меъморий обидани қайта тиклаш юзасидан қарор қабул қилишди. Шу йилнинг 25 декабрида мажмуанинг асосий дарвоза қисмида қурилиш ишлари бошланди. Қурилиш ишлари 1994 йил 18 майда тугатилди. Уни Наманган шаҳар бош меъмори Абдужаббор Абдуғаппоров раҳбарлигида, меъмор Одилжон Қодиров лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бу ёдгорлик мажмуини қайта бунёд этишда уста Фозил Намангонийнинг фарзанди уста

Турғунбой Фозилов ва уста Неъматилла Қўчқоров етакчилигида энг малакали курувчилар иштирок этишди. Мажмуа қурилишига ташкилот, корхона, муассасалар ва саховатпеша кишилар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуаси уч қисмдан иборат бўлиб, жомеъ масжиди, Мулла Бозор Охунд мақбараси ва асосий кириш дарвозасидан иборат. Жомеъ масжиди катта ертўлали хонакоҳ бўлиб, пишиқ ғишт ва темир-бетон панелдан қурилган. Ўлчами 30x24 метр бўлиб, сатҳи 720 квадрат метр. Уч томони айвон билан ўралган. Айвонларнинг сатҳи 576 квадрат метр. Асосий дарвозадан киришда қибла томонда айвонга туташ ҳолда 16 метрли мезана-минора қурилган. Минора пишиқ ғишtdан қурилган бўлиб, «Аллоҳ, Муҳаммад» деган ёзувлар мавжуд.

Мақбара ўзига хос усулда қурилган ёдгорлик ҳисобланади. Мақбара ичидаги Мулла Бозор Охунднинг рамзий қабрига «Хожа Убайдуллоҳ ибн Султон Муҳаммад Бобур Қорахон Мулла Бозор Охунд 1079 йилда вафот этган (милодий 1668 йил)» деб ёзилган. Шунингдек, мармар лавҳага Машрабнинг қуйидаги байти битилган :

Маърифатнинг гулзори Мулла Бозор девона,

Ошиқларнинг сардори Мулла Бозор девона.

Мақбара ташқарисида, шимолий шарқий томонда 2 та қабр бор бири Мулла Бозор Охунднинг устози ва сафдоши домла Ниёз Охунд ибн Жалолиддин Зоминийнинг қабридир. Иккинчиси эса шу деҳпорада шаҳид бўлганлардан бириники. Бу марҳумлар ҳоки қурилиш ишлари жараёнида топилиб, қайта дафн этилган. Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуи ҳовлисining ўртасида 10 метр диаметрдаги 8 қиррали ҳовуз бор. Сув сатҳи 10 газдан ортиқроқ. Бу ҳам исломдаги сув истемол қилиш қоида ва шартларига мувофиқлаштириб барпо қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.И.Юсупов, Э.Мирзаалиев, Наманган вилояти меъморий обидалари сирлари, "Наманган" нашриёти, Наманган, 2008.

2. Б.Рўзимов, С.Ражабова, Ю.Исмоилов, А.Қосимов “Наманган вилояти маданий меъроси” “Наманган” нашриёти, Наманган, 2013.
3. Юсупов И., Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган, 2010. – Б. 105.
4. Жабборов А. Наманган вилояти. – Наманган, 2011. – Б. 172.